



## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ТАРАҚҚИЁТИДА

**Сарваржон Гафуров**

*сиёсий фанлар доктори, профессор Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар  
институтини бўлим бошлиғи*

**Аннотация:** Мақолада Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил топиши, ташкилотнинг муҳим йўналишларидан иқтисодий ҳамкорлик, минтақалараро савдони ва транспорт йўллари инфраструктурасини ривожлантириш, ташкилотнинг асосий мақсадлардан бири бўлган замонавий таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш механизмлари ҳамда ташкилот давлатлари миллий манфаатлари, маънавий қарашлари, қадриятларини ўзаро ҳурмат қилиш, эътиборга олиш – замонавий дипломатиянинг муҳим принципларидан эканлиги очиқ берилган. Шунингдек мақолада Шанхай ҳамкорлик ташкилоти истиқболи ишончли манбалар асосида кўриб чиқилиб таҳлилий хулоса берилган.

**Калит сўзлар:** Халқаро муносабатлар, халқаро ташкилот, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), халқаро ҳамкорлик, марказий Осиё, геостратегия, геосиёсат, геоиқтисодиёт.


Замонавий халқаро муносабатлар ўзининг тараққиёт динамикаси билан янги дунё тартиби характери ва эволюцион босқичларини белгилаб бермоқда. Жаҳон ҳамжамияти тараққиёти тўқнаш келаётган актуал муаммоларга ечим излашда халқаро ҳамкорликнинг самарали натижалар беришини кўпчилик англаб етди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида юзага келаётган сиёсий-ижтимоий воқеъликларга жавоб излаш, зиддиятларга ечим топиш, муаммоларни ҳал этишда алоҳида давлатларнинг эмас, турли институционал ташкилотларнинг роли ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Ана шундай нуфузли халқаро ташкилотлардан бири – Шанхай ҳамкорлик ташкилотидир.

### **ИБТИДО:**

Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин Марказий Осиёда жаҳон ҳамжамиятчилигининг мустақил давлат сифатидаги янги субъектлари пайдо бўлди. 1991 йилнинг декабрида бир томондан Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон, иккинчи томондан эса Хитой ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб, “4+1” шаклидаги музокаралар тартиби шаклланди.

Шанхай бешлигининг 2000 йил 4-5 июндаги Душанбе саммитида Ўзбекистон биринчи марта кузатувчи сифатида қатнашди. 2001 йилнинг 14-15 июнь кунлари Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг Шанхайда бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистон Республикасининг ташкилотга қабул қилиниши билан “бешлик” формати





“олтилик” шаклини олди ҳамда расмий равишда **“Шанхай ҳамкорлик ташкилоти” (ШХТ)** деб номлана бошлади.

Марказий Осиёнинг муҳим давлатларидан саналган Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ташкилотнинг халқаро мавқеини оширибгина қолмай, унинг сиёсий нуфузи, ўзининг мустақил концепциясига эга бўлишида муҳим роль ўйнади. ШХТнинг ташкил этилиши кўп қутбли дунёда узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим рол ўйнашга мўлжалланган кенг қўламли, ҳар томонлама ҳамкорликка асосланган алоқаларни йўлга қўйишда муҳим қадам бўлди.

### ИҚТИСОД:


Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида иқтисодий ҳамкорлик ташкилот фаолиятининг муҳим йўналишларидан саналади. Табиий углеводород ва минерал хом-ашё захираларини ўзлаштириш, ўзаро савдо-сотиқ, саноат, туризм, табиий сув ресурсларини мувозанатли истеъмолни тартибга солиш, сув энергетикасидан унумли фойдаланиш, экологияга оид кўплаб бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ривожланмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига Хитой томонидан тақдим этилган минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳа кўп қиррали савдо-иқтисодий алоқалар дастурига асос бўлди. Хитой ва Марказий Осиё давлатлари узунлиги 3,7 минг километрдан ортиқ бўлган умумий чегарага ва савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг кенг имкониятларига эга. Чегара пунктлари орқали Хитой Марказий Осиё мамлакатларига озиқ-овқат, истеъмол товарлари ва маиший электротехника жиҳозларини экспорт қилади, ўз навбатида, у ердан металл, пахта ва чарм хом-ашё маҳсулотларини олади.

Сўнгги йилларда Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари нефть-газ ресурсларини қазиб олишни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларини жорий этиш бўйича самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Хитой нефть-газ корпорацияси Каспий денгизида нефть ресурсларини қазиб олишни ривожлантириш учун ярим миллиард доллар ажратди.

2013 йилда Хитой раҳбари Си Цзинпин яна бир муҳим лойиҳани эълон қилди. Унда **“Бир макон, бир йўл”** концепцияси илгари сурилди. Концепциядан асосий мақсад – халқаро денгиз транспорт йўлларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга давлатлар билан ҳам, қитъанинг ичкарасида жойлашган мамлакатлар билан ҳам интеграцияни амалга ошириш назарда тутилади.

“Бир макон, бир йўл” концепциясининг молиявий базасини кенгайтириш ва **“Янги Ипак йўли”**ни шакллантириш – Хитой ва Марказий Осиё республикалари учун даврнинг муҳим вазифаларидан бўлди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши, трансмиллий транспорт йўлларининг қурилиши, логистика тизимининг яратилиши орқали Осиё–Тинч океани ва Европа минтақаларини





боғлаб, минтақавий ва жаҳон умумсавдо бозори ҳамда ижтимоий тизимларининг ривожланиши, бунинг натижасида эса, ўзаро интеграция жараёнларининг тезлашиши ва глобал иқтисодий тараққиётга эришилади.


*“Сўнгги ўн йилликларда, деб ёзади тадқиқотчи М.Муҳаммадсиддиқов, Хитойнинг Марказий Осиё республикалари билан сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди, ўзаро муносабатларда сезиларли натижаларга эришилди. Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида стратегик шериклик муносабатлари шаклланди. Хитойнинг қўшни республикалар билан умумий савдо айланмаси 100 млрд доллардан 1,3 трлн долларга етди”.*

ШХТнинг 2022 йил 15-16 сентябрдаги Самарқанд саммити ташкилотнинг концептуал ёндашувларга асосланган фаолиятини янги босқичга олиб чиқадиган платформа бўлди. Унга Ўзбекистон раҳбари томонидан рамзий маънода **“Самарқанд руҳи”** номининг берилиши ҳам бежиз эмас. Бугуннинг замонавий чақириқларига жавоб бера оладиган ва барчани атрофига жамлашга қодир институционал бирлашма сифатида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро ва минтақавий даражада ўзининг муносиб нуфуз ва эътиборига эга бўлди.

Мазкур саммитда муҳокама қилинган муҳим масалалардан бири – иқтисодий ҳамкорликни янги жабҳаларини белгилаб олишга қаратилди. 2021 йил якунларига кўра, ШХТга аъзо давлатлар ўзаро ташқи савдосининг ўсиши 33 фоизга ошиб, 8 триллион доллардан ошди ва аъзо давлатлар ўртасидаги ички савдо айланмаси қарийб 40 фоизга ўсиб, 768 миллиард долларни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар, айниқса, ЯИМ 50 млрддан 100 млрд долларгача бўлган аъзо мамлакатлар учун иқтисодий ривожланишнинг янги имкониятларини яратилишини англатади.

Саммитда ШХТнинг минтақалараро савдони ривожлантириш дастури имзоланди. Бунда, ҳар бир аъзо мамлакатнинг ички имкониятлари ва ташқи ҳамкорлик омиллари нафақат ўзаро савдо-сотиқни, шу билан бирга, миллий ишлаб чиқариш йўналишларининг трансформация ва модернизация қилинишига эришиш мумкин бўлади. Натижада ўзаро савдо-сотиқни товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, таркибининг янгиланиши ва оқибатда, ташкилотнинг барча аъзолари иқтисодий салоҳиятининг ошишига хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг янги шароитида ШХТга аъзо давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлик салоҳиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг инвестиция имкониятларини ошириш, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида капитал алмашинувини янги босқичга кўтариш, ушбу масалалар бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш, ҳар томонлама манфаатларни рўёбга чиқариш ва иқтисодий ислохотларни мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда. *“ШХТ маконидаги давлатларнинг юсак инсоний, интеллектуал ва технологик салоҳиятга, жадал ривожланаётган*





*иқтисодиётларга ва ҳали тўлақонли фойдаланилмаган табиий захираларга эга экани ташкилотнинг иқтисодий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади. Бугунги кунда ШХТга аъзо давлатлар ялпи ички маҳсулотининг умумий ҳажми жаҳон кўрсаткичининг қарийб чорак қисмини ташкил қилмоқда. Бу эса эндигина 20 ёшга тўлган ушбу минтақавий ташкилот томонидан дунёнинг барқарор ривожланишига қўшилаётган ҳиссасининг салмоғи юксак эканидан далолат беради”, дея таъриф беради Ўзбекистон раҳбари.*

Ўзбекистоннинг “иқтисодий” ташаббуслари қаторида ШХТ “Ишбилармонлар кенгаши” доирасида ўзаро сармояларни илгари суриш бўйича глобал молиявий-иқтисодий таҳликаларни юмшатишга қаратилган қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқилиши – турмуш даражасининг пасайиб кетишини олдини олиш, иқтисодий имконияти чекланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимояга олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодий юксалишга эришиш ҳисобидан аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш чоратadbирларини қамраб олади.

### **ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА**

Транспорт йўллари инфраструктурасини ривожлантириш ҳам Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг долзарб вазифаларидан саналади. Бу ўринда, янги Осиё-Европа континентал транспорт йўлагининг қурилиши ҳам стратегик аҳамиятга эга лойиҳалардан биридир. Хитой темир йўл тармоғини Марказий Осиё билан боғлаш минтақанинг халқаро савдо бозорларига чиқиш имкониятларини янада кенгайтириши кўзда тутилган. Осиё-Европа континентал транспорт коридори Хитой–Марказий Осиё минтақаси бўйича тўғридан-тўғри алоқа йўлини очилишини англатади.

Умумий транспорт йўлининг қурилишида учта геостратегик моҳият асосий роль ўйнади:

*биринчидан, “совуқ уруш” мафқураси даврининг ниҳояланиши ва жаҳонда кўп кутбли янги жаҳон тартибининг юзага келиши;*

*иккинчидан, умумий транспорт йўлларнинг уланиши Марказий Осиё ва Хитойнинг “ислоҳот ва очилиш” сиёсатининг натижаси;*

*учинчидан, Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришгандан сўнг минтақанинг сиёсий ва иқтисодий таркибий тузилишида сезиларли ўзгаришларнинг юз бериши.*

Марказий Осиёда янги темир йўлларининг қурилиши, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон автомобил транспорт йўллари тармоғининг ишга туширилиши, оптик кабелларнинг ётқизилиши, халқаро логистика тизимларнинг йўлга қўйилиши билан минтақа давлатлари товар маҳсулотларининг жаҳон бозори ва халқаро савдо майдонларига олиб чиқилишига қулай имкониятлар яратади.

Мазкур транспорт тармоғига Афғонистоннинг ҳам уланиши режаси лойиҳанинг стратегик аҳамиятини ошириб, минтақанинг Жанубий-Шарқий





Осиё давлатлари билан ҳам савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳадаги алоқалари ривожига салмоқли ҳисса қўшади. Яна бир энг муҳим жиҳат – ушбу режа жабрдийда афғон халқини иқтисодий ночорликдан чиқариш ва ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни қарор топтиришга ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшади.

Осиё ва Европани боғловчи трансмиллий континентал йўллар занжири “Олтин камар” деган рамзий атама билан номланади. Бу ШХТга аъзо давлатлар учун иқтисодиётни янада ривожлантиришда жуда муҳим геостратегик аҳамиятга эга ва у қуйидаги бирламчи вазифаларни ҳал қилишда ёрдам беради:

- Марказий Осиё минтақаси давлатлари, Россия ва Хитой иқтисодиётларини янада жадал ривожланиш босқичига кўтариш;
- Европа давлатлари инвестицияларини жалб қилиш орқали улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;
- Осиё-Европа трансмиллий континентал транспорт йўлларига туташ давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш;
- Япония, Жанубий Корея ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш;


Шанхай ҳамкорлик ташкилоти конструктив ривожланиш учун кўплаб қулай имтиёزلарни тақдим этиш имкониятига эга. Бу имкониятларни унумли фойдаланиш унга аъзо давлатларнинг энг бирламчи вазифаларига киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ШХТга аъзо давлатларнинг асрлар давомида “Буюк Ипак йўли” билан бирлашган, Шарқдан Ғарбга ва Ғарбдан Шарқга товарлар ва хизматлар айирбошлашни таъминловчи транспорт коридорини шакллантириш ва ишга туширишдаги улкан салоҳият мавжудлигини реал воқеликка айлантиради. Машҳур “Буюк Ипак йўли” замонавий талқинда – “Бир макон, бир йўл”, “Олтин камар” концептуал лойиҳаларида ўзининг эволюцион мантиқий давомини намоён этмоқда.

### **ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК:**

Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири – замонавий таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш механизмларини ишлаб чиқишдан иборат эди. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти хавфсизлиги ва барқарорлигига хавф туғдираётган таҳдидлар чегара билмайди. Муаммолар бир давлат ҳудудидагина мавжуд бўла олмайди, замонавий глобализация жараёнлари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни минтақавий даражадан халқаро миқёсга осонгина кўчишига сабаб бўлмоқда. Шу нуқтаи-назардан, даврий таҳдидларга қарши ҳамкорликда ҳаракат қилишгина самарали натижалар беришини вақт ва ҳодисалар эволюцияси исботлади.

ШХТга аъзо давлатлар Марказий Осиё ҳамда Жанубий-Шарқий Осиё минтақаларида барқарорликни таъминлаш, мавжуд муаммоларни ўзаро музокаралар орқали, тинчлик йўллари билан ҳал этиш мақсадида – минтақа





давлатлари раҳбарларини ташкилотнинг саммитларида кузатувчи сифатида иштирок этиш амалиётини йўлга қўйишди.

2002 йил баҳорида Покистон ва Ҳиндистон раҳбарларини Олмаотадаги учрашувига таклиф қилган ШХТ раҳбарлари кўп жиҳатдан Жанубий Осиёнинг ушбу йирик давлатлари ўртасидаги кескин қарама-қаршиликнинг тўхтатилишига сезиларли ҳисса қўшди, бу эса, қуролли тўқнашув ва зиддият юзага келган тақдирда ядро қуролидан фойдаланиш хавфи бўлган ҳарбий можаронинг олди олинишига сабаб бўлди.


ШХТда халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратистик ҳаракатларга қарши биргаликда курашиш зарурияти кўп бора таъкидланиб келинади. Давлатларнинг ушбу таҳдидларига қарши ташкилот доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиш принциплари белгилаб қўйилди. Шу асосда замонавий таҳдидларга қарши кураш бўйича 2001 йилнинг 15 июнида **“Шанхай Конвенцияси”** имзоланди.

Минтакавий аксилтеррор тузилмаси 2004 йил 1 январдан фаолият кўрсата бошлади. Мазкур тузилма доирасида ўзаро ахборот алмашиш, чегара ва божхона ва бошқа махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликни олдини олиш вазифаларини амалга оширишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг ШХТга аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг тегишли миллий маҳкамаларнинг янги таҳдид ва хуружларга қарши туришдаги ҳамкорлигини мустақамлашга қаратилган доимий учрашувларини ўтказиб туриш ҳақидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди.

ШХТ терроризм, сепаратизм ва диний радикализм муаммосига жиддий эътибор қаратади. Бу муаммо Марказий Осиёда айниқса кескин, чунки Афғонистон ҳудудидаги экстремистик ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ таҳдидлар минтақанинг барча давлатлари хавфсизлигига раҳна солади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Афғонистон бўйича 2018 йил 26-27 март кунлари Тошкентда ўтказилган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтакавий шериклик» номли конференциясида *“Афғонистонда тинчликни ўрнатилиши, ўз навбатида, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, бундан ташқари, мамлакатда барқарорликни қарор топтириш учун иқтисод ва ижтимоий соҳаларни ривожланишида халқаро ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш билан бирга олиб борилишини салмоқли натижа бериши мумкинлиги”*ни алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Бу ташкилотнинг ўз олдига қўйган вазифаларни амалга ошириш амалиёти йиллар давомида даврнинг чақириқларига мос равишда ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда ШХТнинг геостратегик вазифалари хавфсизликдан катта геоиқтисодий ва геосиёсий форматга трансформация бўлмоқда. Бугунги ШХТ икки асосий йўналиш – **хавфсизлик** ва **иқтисод** соҳаларида ҳамкорлик фаолиятини янада кенгайтirmoқда.





ШХТда глобаллашувнинг зиддиятли жараёнларида умумбашарий тинчлик ва хавфсизликни сақлаш – тенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган кўп томонлама ҳамкорлик, суверен давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, қарама-қарши бўлмаган фикрлаш, мамлакатни демократлаштириш йўлида изчил ҳаракат қилиш орқали амалга оширилади.


Бу ўринда, Ўзбекистон Президенти давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишини кўрсатиб берди: *“Халқаро ҳамкорликнинг универсал принцип ва нормаларга асосланган тизими издан чиқиб бораётгани бугунги кун ҳақиқатидир. Бунинг асосий сабабларидан бири — глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг чуқур таназзулга юз тутаётгани билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида геосиёсий қарама-қаршилиқларга рағбат бериб, «блокларга мансублик» стереотипларининг қайта туғилиш хавфини юзага келтирмоқда. Давлатлар ўртасидаги бундай ўзаро ишончсизлик жараёни жаҳон иқтисодиётининг аввалги тараққиёт йўлига қайтишини ва глобал таъминот занжирларининг тикланишини мураккаблаштирмоқда”*.

Замонавий халқаро муносабатлар мафкуралар ва ижтимоий-гуманитар фарқлардан қатъий назар, халқаро ҳамжамиятни ўзаро ишонч, ўзаро манфаат, тенглик ва ўзаро таъсирга асосланган хавфсизлик тушунчасини шакллантиришга чақиради.

ШХТ халқаро терроризмга қарши кураш доирасида унинг моддий базасини йўқ қилиш билан боғлиқ муаммоларни, биринчи навбатда, қурол-яроғ, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, уюшган трансчегаравий жиноятчилик, ноқонуний миграция ва ғаразли фаолиятга қарши кураш орқали ҳал этиши муҳим аҳамиятга эга. Террорчиларнинг оммавий қирғин қуроллари таркибий қисмлари ва уларни етказиб бериш воситалари ҳамда ахборот терроризмидан фойдаланишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Терроризм, сепаратизм ва экстремизмни молиялаштиришга, шу жумладан, ноқонуний олинган даромад ва маблағларни легаллаштиришга қарши курашиш ШХТ доирасида пул ўтказмаларини, терроризмга алоқадорликда гумон қилинаётган шахслар ва ташкилотлар маблағларининг ҳаракатланишини мониторинг қилиш бўйича умумий ёндашув ва стандартларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

ШХТ ва НАТО ўртасидаги ҳамкорлик хусусида тўхталадиган бўлсак, унинг муваффақиятли ривожланиши учун хавфсизлик ва барқарорлик масалаларига ёндашувларда тубдан фарқлар кўринишида жиддий тўсиқлар мавжудлигини кўрамыз. ШХТ аъзолари халқаро муаммолар, хусусан, АҚШнинг минтақа тараққиётидаги ўрни ва роли бўйича умумий қарашларни ишлаб чиқишда давом этади. *“ШХТ – Ғарбга қарши тузилма эмас. Бу ташкилотда ҳар бир масала, кун тартиби ҳам консенсус асосида шакллантирилади”*, дейди Ўзбекистоннинг ШХТ бўйича координатори Р.Нурибетов.





ШХТ ўзининг ҳар томонлама салоҳиятини ошириш ва Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг самарали механизмларини мустаҳкамлашни мақсад қилган.

### **МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ ВА ҚАДРИЯТЛАР:**


Дунёда маданиятлар ва цивилизацияларнинг хилма-хиллиги умуминсоний қадриятлар ҳисобланади. Замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жадал ўсиши даврида бу ўзаро қизиқишни, бағрикенгликни рағбатлантириши, ўзаро мулоқотни ривожлантириши, ҳар бир халқнинг ўз тараққиёти йўлига эга эканлиги ҳуқуқи тўлиқ таъминланиши керак.

ШХТга аъзо давлатларда кўп миллатли, турли диний қарашларга мансуб халқлар истиқомат қилиши эътиборга олинса, диний бағрикенглик, миллий маънавият ва қадриятларни ўзаро ҳурмат қилиш тамойилларининг аҳамияти беқиёс. ШХТ давлатлари миллий манфаатлари, маънавий қарашлари, қадриятларини ўзаро ҳурмат қилиш, эътиборга олиш – замонавий дипломатиянинг муҳим принципларидан эканлигини англайдилар. Айнан мазкур омил ташкилот доирасида муҳокама этилаётган масалаларнинг мазмун моҳиятига ҳам таъсир этиб, якуний натижаларнинг самарасида муҳим ўрин тутади.

Оқилона ва адолатли дунё тартиби ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга, халқаро ишларда монополия ва ҳукмронликка даъво қилмасдан ҳақиқий шериклик муносабатларини ўрнатишга асосланган бўлиши лозим. Бундай тартиб халқаро ҳуқуқ принциплари ва меъёрларининг, биринчи навбатда, БМТ Низомининг устунлигига қанчалик мустаҳкам асосланса, янада барқарор ва хавфсизроқ бўлади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳар бир халқнинг тарихий анъаналари, миллий хусусиятлари, маънавияти ва қадриятларини, барча давлатларнинг суверен тенглигини қатъий ва изчил ҳурмат қилиниши керак.

Бу ўринда, ШХТнинг самарадорлиги ва нуфузини оширишга қаратилган оқилона ва зарур ислоҳотлари эътирофга лойиқ. Ушбу ислоҳотларни амалга оширишда мумкин бўлган келишувларга риоя қилиш, қарама-қаршилиқлар сақланиб қолган лойиҳалар бўйича умумий консенсус асосида амалга ошириш аҳамиятли.

XXI асрда Марказий Осиё, Жанубий-Шарқий Осиё ҳамда Тинч океани минтақаларида тинчлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим роль ўйнаш, ҳар қандай тушунмовчиликлар, зиддиятлар ва давлатлараро муносабатларда келишмовчиликларни ўзаро музокаралар йўли билан бартараф этиш, ушбу минтақаларда дўстлик, ўзаро англашув, ҳамкорлик ва конструктив мустаҳкам алоқалар муҳити ўрнатилишини таъминлаш – ШХТ фаолиятининг асосий йўналишларидан эканлиги белгилаб олинган. *“Кўп томонлама фаолиятга асосланган энг ёш институтлардан бири — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти*





айнан мана шундай мақсад ва вазифаларни кўзлайди. Бу ташкилот маданий-цивилизацион қарашлари турлича, ўз ташқи сиёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатлараро тузилмадир. Тарихан қисқа даврда ШХТ катта йўлни босиб ўтиб, глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланди, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин”, дея таъкидлайди Ўзбекистон Президенти.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитида 15 давлат раҳбарлари ва ўндан ортиқ халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди. Мазкур саммит бугунги кундаги геосиёсий ва геоиқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, алоҳида аҳамиятга эга саналади. Ушбу саммитда глобал кун тартибидаги барча долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун самарали платформа яратилди.


Халқаро муносабатлар мазмуни ва тартиботларининг ўзгариб бориши, дунёда таҳликавий вазиятнинг кучайиши, сиёсий ва иқтисодий манфаатлар учун курашнинг кескинлашиши шароитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида ШХТ доирасида 14 та янги концептуал ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ўзаро ҳамкорлик соҳаларини мазмунан бойитди.

Замонавий халқаро муносабатларда миллатлараро келишмовчиликлар, диний масалаларда кескинликлар, сепаратизм муаммолари каби сиёсий тангликларнинг жаҳоннинг турли ўлкаларида юзага келаётгани кузтилмоқда. Ушбу вазиятда муаммога ечим топиш бир давлатнинг имкониятларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда, унга бошқа мамлакатларнинг аралашуви масалани чигаллаштириши, вазиятни янада мураккаблаштириш мумкин. Айнан шундай ҳолатларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби минтақавий нуфузга эга институционал бирлашманинг фаол ҳаракатлари, ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг самараси ижобий натижалар бериши тайин. Шу жиҳатдан ташкилотда унга аъзо давлатлар халқларининг миллий маънавияти, миллий қадриятлари, кўп миллатли аҳолиси, диний эътиқоди масалаларига ҳассос ёндашув мавжуд.

ШХТга аъзо давлатларда уларнинг ички ишларига аралашмаслик, ҳудудий яхлитлик ва давлат суверенитетини сақлаш, инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга интилиш ташкилотнинг мавқеини мустақамлайдиган омил. Шу жиҳатдан бугунги кунда ушбу ташкилотга аъзо бўлишга интилаётган давлатлар сони ортиб бормоқда.

### ИСТИҚБОЛ

Бугун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилганига 20 йилдан ошди. Ушбу ташкилот ўзининг халқаро нуфузи ортиб бораётганлиги, сиёсий-ижтимоий муаммолар ечимига оид концептуал қарашларига эгаллиги жиҳатидан минтақа ва дунё ҳамжамияти олдида турган глобал вазифаларни ҳал қилиш масаласини кун тартибига қўймоқда.






Ташкилотнинг мустақкам сиёсий мавқеи, муаммоларга объектив ёндашуви, зиддиятларни ҳал этиш қарорларини қабул қилишда ўзаро консенсусга таяниш тамойиллари – унинг фаолияти самарадорлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, ШХТда кўрсатилаётган ташаббуслар кўлаמידан минтақаларо мулоқотнинг кенгаяётганини кузатиш мумкин. Масалан, Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга қўшилиши орқали Жанубий Осиё минтақасидан, Эроннинг ташкилотга аъзо бўлишидан Яқин Шарқ минтақаси билан алоқалари доираси кенгайиб бораётганини кўрсатмоқда. Беларуссиянинг ташкилотга аъзо бўлиш учун ариза топшириши, Қатар, Саудия Арабистони, Миср Араб Республикасининг ташкилот ишларида кузатувчи сифатида фаол иштирок этишга интилаётганлигининг ўзи ҳам ташкилот фаолиятининг катта ютуқларидан.

ШХТ халқаро ва минтақавий сиёсатда бирор ҳарбий блок, бирор давлат манфаатларини кўзламайди, бир тарафлама сиёсий қараш ва ҳукмрон сиёсий мафкурага эга бўлишга интилмайди. Унинг ўз сиёсий позицияси, мақсад ва вазифалари, унга аъзо давлатлар мавқеи ва манфаатларининг умумий мазмунидан келиб чиқадиган принциплари мавжуд.

ШХТ бош котиби Чжан Мингга кўра, *“...ташкилот турли блокларга қўшилмаслик, учинчи томонга қарши ҳаракат қилмаслик тамойилларига қатъий риоя қилиши керак. Биз ҳар доим “Шанхай руҳи” ва ШХТ хартияси асосий мақсадларига қатъий риоя қилишимиз, турли блокларга қўшилмаслик, ҳар қандай учинчи томонга қарши ҳаракат қилмаслик асосий тамойилларига қатъий риоя қилишимиз керак. Ташкилот бирдамлигини қатъий таъминлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш лозим”*. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ҳам ушбу фикрни қўллаб-қувватлайди: *“ШХТнинг халқаро ташкилот сифатидаги жозибadorлиги унинг фаолияти асосини ташкил этадиган қуйидаги тамойилларда намоён бўлмоқда: Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг турли блоклардан холи мақомга эга экани, очиқлик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилиқ ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик”*.

Бугунги кунда, ШХТ фаолияти халқаро ҳамжамият томонидан қизиқиш билан кузатилаётгани, унинг иш фаолиятида кузатувчи сифатидаги иштирокчи давлатлар сонининг ортиб бориши – ташкилотнинг халқаро ва минтақавий муаммолар ечимидаги ёндашувларининг хусусиятини белгилайди. ШХТ замонавий халқаро муносабатларда цивилизациялар диалогини самарали йўлга қўя олган сиёсий тузилма ролини бажармоқда. *“ШХТнинг мақсади – янги деворлар эмас, янги кўприклар қуриш. ШХТ саммити фикрлар қандайдир қарама-қаршилиқларни кучайтириш ёки янги деворларни барпо этиш, янги чегараларни белгилаш эмас, балки янги кўприкларни қуриш, халқларни бир-бирига*





яқинлаштиришга қаратилган”, дейди Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари С.Сафоев.

Ташкилотга аъзо давлатлар ва уларга қўшни мамлакатлардаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар, иқтисодий ўсиш динамикаси, демография, миграция, таълим, тиббиёт, камбағалликка қарши курашиш, туризм, маданият, диний муносабатлар ва экология каби ҳаётнинг турли жабҳаларига оид муаммоларга ечим топиш ҳам ШХТ экспертларининг изланишлари доирасига киради.


Бугунги кунга келиб ШХТ ҳамжамияти — улкан географик маконни эгаллаган, ЕвроОсиё аҳолисининг қарийб 60 фоизидан ортиғини ўз ичига қамраб олган дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотдир. Унда муҳокама доирасига киритилган масалалар ўзининг актуаллиги, даврнинг долзарб вазифаларига бағишланганлиги, унга аъзо давлатларнинг айтарли барчаси рўбаро келаётган муаммоларни ўз ичига қамраб олганлиги билан аҳамиятли. Айнан шу тамойил ташкилотнинг давр билан ҳамнафас, замонавий глобализация шароитларига мос равишда қадам ташлаётганини кўрсатади.

Ушбу ташкилот доирасида Марказий Осиё минтақасидаги экологик муаммоларга ечим топиш, амалга ошириладиган лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий ресурсларни, инвестицияларни жалб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш, халқаро донорлар маблағларини йўналтиришда ҳам самарали фаолият олиб бориш имкониятига эга. Амалий вазифаларни бажаришда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, транспорт логистикаси марказларини ташкил этиш, халқаро даражадаги автомагистрал транспорт йўллари қуриш бўйича “Ҳамкорлик стратегияси”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларни қўллашни янада такомиллаштириш, халқаро ахборот алмушинуви, маълумот узатиш, киберхавфсизлик тизимларини ривожлантириш ҳам даврнинг долзарб масалалари сифатида ШХТ кун тартибидан ўрин олиб бормоқда. Бунинг давоми сифатида саноат ишлаб чиқаришига замонавий технологияларни татбиқ этиш ҳам муҳим.

ШХТга аъзо давлатларининг баъзилари кучли иқтисодга ва йирик ишлаб чиқариш саноатларига, салмоқли молиявий қудратга эга бўлса, баъзилари эндиликда ривожланиб келаётган мамлакатлардир. Шу жиҳатдан, ўзаро ҳамкорлик кооперацияси, ўзаро манфаатли муносабатларнинг ривожланиши, ҳар икки томон давлатлари учун ҳам самара бериши тайин. *Биринчи тараф* учун истеъмол ва хом-ашё бозорларининг кенгайиши, *иккинчи тараф* учун саноат ишлаб чиқариш ва иқтисодий ривожланишга инвестицияларнинг жалб қилиниши билан жозибали. Ўзаро ресурсларнинг қўшилиши барча тарафларнинг манфаатларига хизмат қилади.

ШХТ доирасида молиявий масалалар муҳокамаси, ўзаро банк тизимлари интеграцияси, савдо-сотик операциялари амалиётларини соддалаштириш,





онлайн савдо платформаларини яратиш ҳам аҳамиятли. Бунда ўзаро савдо тўсиқларини бартараф этиш, божхона талаблари ва техник регламентларни соддалаштириш, мавжуд хизматлар реестрини рақамлаштириш ишларини тезлаштириш ҳам муҳим қадам ҳисобланади.

### ТАҲЛИЛИЙ ХУЛОСА:

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро муносабатларнинг мустақил сиёсий институционал субъектларидан бири сифатида ташкил топган вақтидан буён ўтган давр ичида ўзининг мустақам позицияси, сиёсий принципларига содиқлиги нуқтаи назаридан жаҳон ҳамжамиятининг нуфузли органига айланиб улгурди.

Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида гегемон мавқени эгаллашга интилишнинг йўқлиги, аъзо давлатлар суверенитети, миллий манфаатлари, маънавияти ва қадриятларини эътиборга олиниши ташкилотнинг ўз фаолиятида бардавомликни таъминловчи омиллардан.


ШХТ давлатлари турли миллатлар, диний қарашлар, аҳолисининг сони, иқтисодий аҳволдан қатъий назар ташкилотда бир хил мавқега ва ўз ўрнига эга. Ташкилот доирасида ҳал этилиши лозим бўлган масалаларда ўзаро консенсус муҳим ўрин тутаяди. Ушбу вазият ташкилотнинг халқаро нуфузини ошириб, унга аъзо бўлиш истагини билдираётган давлатлар сонининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

*“Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муваффақият гарови — минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали кўп томонли ҳамкорликни илгари суришдадир. ШХТ ўз моҳиятига кўра, тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашишга, айирмачилик унсуридан холи бўлган жозибадор маконга айланиши лозим”,* дейди Ш.Мирзиёев.

Дунё аҳолисининг қарийб ярмини ўзида мужассам этган мазкур ташкилотнинг сиёсий принципларини эътиборга олиш, унинг минтақавий ва халқаро доирадаги муаммолар бўйича муносабати билан ҳисоблашиш даври келди. Ташкилотнинг халқаро муаммолар ечимига оид концептуал ёндашувлари, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ фаолияти – унинг геосиёсий мавқеи ортиши, географик ҳудудининг кенгайиши, келажакда ташкилотнинг халқаро доирада йирик сиёсий куч сифатида ўз ўрнига эга бўлишига олиб келади.

Ташкил топганидан буён ўзининг принципаал сиёсий қарашлари билан тараққиётнинг эволюцион босқичларидан муваффақиятли ўтиб келаётган мазкур ташкилот доимий модернизация жараёнида. Ташкилотда даврнинг чақириқларига доимий компитент ҳозиржавоблик, иштирокчилар учун очиқлик, ўзаро диалогга тайёрлик – унинг нуфузли мавқеи ва мустақам пойдеворини таъминлайдиган омиллардан.

Бугунги кунда халқаро муносабатларда турли сиёсий қарашларга ва ўзининг принципларига эга бўлган давлат ва нодавлат ташкилотлар кўп.





Уларнинг фаолиятида минтақавий ва халқаро сиёсий кучларнинг таъсири сезилиб турадиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Шу жиҳатдан ШХТ ўзининг мустақкам мавқеи, бетарафлик, ўз принципларига содиқлик, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мутаносиб ҳаракатлари билан кўплаб сиёсий институционал бирлашмалардан алоҳида ажралиб туради.

Яқин келажакда ШХТ томонидан илгари сурилаётган тараққиёт стратегияси, унга аъзо давлатлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг кўплаб жабҳаларини ўз ичига олган ҳамкорлик алоқалари тизими – мазкур ташкилотнинг мавқеини янада мустақкамлайди.

ШХТ томонидан иқтисод, ижтимоий ривожланиш, савдо-сотиқ, таълим, тиббиёт, экология, саноат ишлаб чиқариш соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик кооперцияларини тараққий эттириш лойиҳалари минтақавий ва глобал иқтисодий ривожланишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ташкилотнинг минтақавий ва глобал транспорт логистика инфратузилмасини тараққий эттириш лойиҳалари, дарҳақиқат, масшаби жиҳатидан улкан проектлар ҳисобланиб, ўнлаб давлатлар ҳудудларини умумий транспорт йўли занжирига ўзаро бирлаштиришига сабаб бўлади.

ШХТ давлатлари ҳудудларининг минтақавий транспорт узелларига уланиши халқаро савдо ва иқтисодни ривожлантирибгина қолмай, маданият ва маърифат соҳаларида ҳам ўзаро интеграцияга қулай шароит яратади. Турли маданият ва цивилизацияларнинг замонавий қоришуви – диний бағрикенглик, миллатлараро диалог, маданий соҳалар ривожига хизмат қилади.

Яқин келажакда ШХТ минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларида янгича концептуал ёндашувларни ишлаб чиқишда давом этади. Унга аъзо давлатлар суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлаш вазифалари ҳам ташкилотнинг асосий кун тартибидаги вазифалардан бўлиб қолади.

